

Бисмиллахир-рохманир-рохийм

Б и т и к б о ш и

“Бисмиллах...” деб аввало хамд
Айтайлик Яратганга,
Инсон зотин азиз килиб,
Жон ато килган танга.

Барча оламлар Раббига
Хамдлар бўлсин беадад,
Хар ишда хам хар кадамда
Ёлғиз ундандир мадад.

Чексиз саловат дурудлар
Хотам – ул анбиёга,
Ул ким умматни зулматдан
Чикармушдир зиёга.

Ул улуг зот ахли байти
Хамда чахори ёрлар
Хакларига кўп дуолар
Килсун иймони борлар.

Хам дуолар килайлик биз
Хар саҳоба номига,
Барча ўтган мўминларга –
Хар хосу авомига.

Хозирдаги хар бир хаёт
Пок иймонли бандани
Хак асрасин хар кадамда,
Сог бўлсин жону тани.

Энг меҳрибон ва раҳмли
Аллохнинг номи ила,
Ўгил-кизим, сизларга бахт
Тилагум дуо кила.

Сўраб, излаб, ўкиб, билиб
Недир сунний акоид,
Бул дам сизга билдирайин

Недур сизларга оид.

Сизга даркор сўзлар дейин
Сизга Хакдан бахт тилаб,
Хар сўзимга диққат килинг,
Кулок тутинг яхшилаб.

Сиз дунёда энг шарафли,
Энг хак динга мансубсиз,
Бул динда хак эслатмалар
Бир уммондирки тубсиз.

Турли-туман хаёл кечар
Бул дам бул бошингизда
Никох недур билинг энди
Ўсмир бу ёшингизда.

Никох иши – бандасига
Аллох буюрган фарздур,
Ким килмаса фарз амални,
Ул фарз бўйнига карздур.

Жуфтлик иши ер юзида
Хар бир жонзотга хосдир,
Бул иш бизга жами ўтган
Аждодлардан меросдир.

Ха, бу жуфтлик бизга мерос
Ул узок замонадан,
Одам алайхиссаломдан
Хамда Хавво онадан.

Хар жонзотни жуфт-жуфт килиб
Яратмишдур Ўзи Рабб,
Инсон хам ўз жуфтини топар
Миллат динига караб.

“Никохнома” нелигин назмий накли

“Никохнома” никохталаб
Ёшларга бир қўлланма,
Баракотли, бахтли никох
Йўлига бир йўлланма.

Кимки шаръий жуфлик истаб
Бахтини излаб чопар,
Бул битикка амал килса,
Бешак, кўп фойда топар.

Бул пандларни хар фарзандга
Айтмоги шарт хар падар,
Хакка хуш бир банда бўлиш
Улкан бахтдур накадар.

Бул битикда битадурман
Сиз ёшлар-чун коида,
Бунда борки битганларим
Сизларга кони фойда.

Ўкиб амал килсангиз гар,
Не битилур бу хатда,
Бешак бахтингиз топарсиз
Дунё ва охиратда.

Сабабким, бул хатга Аллох
Каломи асос эрур,
Хам хадис хам кўп улуглар
Сўзларига мос эрур.

Хар бир мўмин хар оятга
Лозим кулок солмоги,
Хар мусулмон эр, аёлга
Фарздур илм олмоги.

Сиз беҳабар банда бўлманг
Хамда бўлмангиз жохил,
Сиз боҳабар банда бўлинг
Хамда бўлинг сиз окил.

Бул барини сизга битгум
Корайтириб когозим,
Окил фарзанд бул барига
Амал килмоги лозим.

Насихатим битадурман
Сизларга содда тилда,
Сабаб, сизга кўп наф берар
Айтар бўлсам шу хилда.

Оддий тилда сизлар осон

Кулокка гап оласиз,
Сиз балогат ёшида, лек
Мен учун ёш боласиз.

Айтар гапим орасинда
Сўз бўлмас изохталаб
Шул маъкулдир, сизга содда
Сўзлар айтсам эркалаб.

Диккат ила тингласангиз
Сўзимга кулок осиб,
Феълу атворингиз бўлур
Чин мўминга муносиб.

Муслим макомин манзуми

Ватанимиз чин мўминлар,
Чин муслмонлар ери,
Хакка хамдки, муслмонмиз
“Колу бало”дан бери.*

“Боймисиз?”, деб биров бирдан
Сўров килса хойнахой,
Айтинг: “Бизлар муслмонмиз,
Кимса йўқдир биздан бой!”.

Савол бўлса: “Ким бермишдир
Сизга муслмон номин?”
Айтинг: “Аллох Ўзи бермиш
Бизга муслим макомин”.**

* - “Аъроф” сураси, 172-оятга ишора.

** - ... У (Аллох) сизларни... муслмонлар деб номлади... (“Хаж”, 78-оят).

“Бисмиллах...” ни унутмангиз
Хар ишга кўл урганда,
Хар бир хайрли одатда,
Ётганда хам турганда.

Агарким пок калбингизда
Мукамал бўлса иймон,
Бўлгайдурсиз комил инсон,

Бўлгайсиз чин мусулмон.

Гўзал ният ва пок иймон
Жой олсин дилингиздан.
“Лаа илаха иллаллох...” ҳеч
Тушмасин тилингиздан.

Намоз ўқиш исломдаги
Бешта шартнинг биридир.
Фарзандини унга ундаш
Отанинг тадбиридир.

Намоз ўқиш бизга фарздур
Хар бир ёшу қарига,
Бу Аллохнинг бир немати
Бизга – бандаларига.

Намоз сўзи форсий эрур,
Арабчада солатдур,
Намоздаги хушу ҳолат
Энг гўзал бир ҳолатдир.

Намоз чоги чин мўминга
Келгайдур жаннат иси,
Хар намоз бу – Нажоткорга
Бош эгишлик белгиси.

Намоз Хаккнинг хар бандага
Улуг бир инояти,
Бул амалга даъват этар
Қуръоннинг кўп ояти.

Беш вақт намоз фарз этилмиш
Хар мўминга хар куни,
Бир муборак ҳадис тингла:
“Намоз диннинг устунини”.

Киёматда бенамозлар
Кўзи беҳад ёшланур
Сабаб, Ул Кун сўрок-савол
Шул намоздан бошланур.

Ул Кун билур хар намозхон
Намоз не неъматлигин,
Бенамоз ҳам билур ишин
Огир мусибатлигин.

Хар мўминга хар кадамда
Аллох Ўзи Олий Дўст,
У буюрган хар амални
Бажаринг бекаму кўст.

Намоз чоги ёгилгайдур
Аллохнинг рахмат нури,
Жойнамознинг усти, билинг,
Бу Аллохнинг хузури.

Намоз вакти кириб намоз
Ўкир бўлса кимда-ким,
Гўзал бўлсин тахорати
Хам кийсун тоза кийим.

Тарк айламанг тозаликни –
Хакка маъкул бул ишни,
Ул Куръонда кайд килмишдир
Либосни пок тутишни.*

Ибодат-чун хам аввало
Керакдур покизалик,
Покланмайин макбул эрмас
Хакка хар салом-алик.

Замин узра турли анхор,
Ариклардан таратиб,
Покланишга неъмат – сувни
Аллох кўймиш яратиб.

Кай холатда покланиш-чун
Биларсиз бор усулни,
Бул ёшда сиз биладурсиз
Тахорату, гуслни.

Ким намозхон жону дили
Рохатда хар дам анинг
Намознинг хар бир фарзини
Сиз синчиклаб ўрганинг.

Рўза тутинг Рамазонда
Бул ойда килинг ифтор,
Амал килмай бўлмангиз Хак
Газабига гирифтор.

*-Муддассир сураси, 4-оят.

Рамазонда рахмат нури,
Баракоти сочилур
Хадис бор: “Бу ойда осмон
Эшиклари очилур”.

Шайтонлар занжирбанд, дўзах
Эшиклари ёпилур,
Фурсат ганимат билганга
Кулай имкон топилур.

Намоз, закот амалларнинг
Бизга фарзлиги каби,
Рўза тутиш ҳам бизларга
Тангримизнинг талаби.

Мукаддас ой Рамазон бу –
Ойлар ичра султондур,
Бул ой – покланиш мавсуми,
Покланишга имкондур.

Бул ой ичра белгиланмиш
Файзи улуг бир кеча,
Бул тун тўлар фариштага
Беадад, неча-неча.

Бу тун тилангиз Тангридан
Бахтнинг бўлишин бутун
Тангри бермиш таърифини
Кандай тун эрур бу тун.*

*-“Духон” сураси, 2-5 оятлар, “Кадр” сураси, 3-оят.

Рўза тутинг Рамазонда
Кўп килинг яхши ният,
Бул ойда рух, тан покланур
Ки, нафс топур тарбият.

Бул ой яна бир номининг
Бул дамда келди жойи

Бул мукаддас ойнинг яна
Бир номи – сабр оyi.

Ушбу ойда рӯза тутган
Хар бир мусулмон банда
Ўз молидан закот берур
Нисобига етганда.

Ислоннинг беш арконидан
Яна битта нафари –
Хар мўминга фарз килинган
Мукаддас Хаж сафари.

Бул сафарким бўлур, албат,
Кимда имкон топилса,
Яни, ўзин маънавий ва
Моддий тайёр деб билса.

Хак севгиси, пок иймонга
Гар калбингиз очарсиз,
Бешак, турли ёмонликдан
Узоклашиб кочарсиз.

Кимки Хакка бошин эгиб
Интилар Хакка томон,
Иншааллох, окибати
Бўлмасдур алсо ёмон...

Фарзанд бурчи хаккиндадур
Муддаоси бул банднинг,
Ота-онага яхшилик
Бурчидур хар фарзанднинг.

Бул яхшилик хусусинда
Куръонда кўп гаплар бор,
Алар учун яхшиликни
Амр этмиш Парвардигор.*

Билмайин бул бурчингизни
Бошга бир бало ортманг.
Кекса ёшда бўлса алар,
Асло караб “уф” тортманг.

Хаётда ким хамиша Хак
Хар амрига бўйсунар,
Хар дамда ул бўйсунувчи

Бошида бахти унар.

Хак билдирган хакикатга
Чиндан керак ишонмок,
Азим гунох ишонмаслик,
Азим гунохдир тонмок...

Муносиб ёр излаганда
Учманг дунё, молига,
Назар солинг иймонига,
Хаёсининг холига.

*-Ал-исро сураси, 23, 24-оятлар

Имкон кадар якин борманг
Хаддан ортик бойига,
Хаддан зиёд хам махлиё
Бўлмангиз чиройига.

Кўп йигитни кизиктирар
Келин насли, насаби,
Отасининг топиш-тутиш,
Амали-ю, мансаби.

Бул сифатлар бари бекор,
Сиз топинг диндорини,
Тоат-ибодати гўзал
Пок иймони борини.

Ёр танлашда кўп маъкулдир
Йўл тутсангиз шул тусда,
Сабаб, бул суннат эрур,
Хадис бор бул хусусда.

Хар хадисга амал айлаш
Айланса гар одатга,
Ул сохиб хар икки олам
Етишгай саодатга.

Махр – маъно жихатиндан
Гўзал ахлокка кирар,
Махр бермок бу - аёлнинг
Кадрини юксалтирар.

Махр бергувчи билсинким
Махрнинг меъёрини,
Ўта киммат ё акс килиб
Ранжитмасин ёрини.

Келин махри ҳеч холатда
Бўлмасинким жуда кам,
“Мухтасар” дер: Махр бермок
Энг кам нархи ўн дирхам.

Могу давлат, тўкин хаёт –
Факат шулар бахт эмас,
Комил инсон факат моддий
Бойлигини бахт демас.

Сизга айтсам оиланинг
Кўпдур сир-саноати,
Оддий сири – эр топганда
Хотиннинг каноати.

Хар оила ахиллигу,
Софликни килса ният,
Файзли бўлур хар хонадон
Хамда хар бир жамият.

Оилада гар узилса
Мухаббатнинг риштаси,
Шул захоти тарк этадур
Ул уйнинг фариштаси.

Дилингизда бир хол сабаб
Кек, адоват колмасин,
Хушёр бўлинг орангиздан
Мухаббат йўколмасин.

Аллох фарзанд ато килса,
Унутманг мухим ишни,
Дархол бошланг кулогига
Азон, такбир айтишни.

Бу бирлан Хак борлигини
Жажжи калбга жойлайсиз,
Хам танитиб Расулини,
Ибодатга бойлайсиз.

Билинг, шунда бола бўлур

Сизларга итоатли,
Барокатли бўлур умри
Хам Хакка ибодатли.

Унутмангиз болангизни
Хар дам дуо килмокни,
Окибатда бола билмас
Хаётда кокилмокни.

Ота-она килар бўлган
Дуо киёси булдур,
Расул уммат учун килган
Дуо каби макбулдир...

Хар дам халол ризк топишни
Хар доим килинг ният,
Халол топмок бизга билинг
Аждодлардан васият.

Эҳтиётли бўлинг хар дам
Хар хил харом лукмага,
Билинг, бизнинг аждодимиз
Харом лукма тутмаган.

Харом лукма айлантлар
Кулга иймон чўгини,
Бул дегани барбод килар
Банданинг бор-йўгини.

Харом лукма банда борин
Куйдиргувчи оловдир,
У бошлагай жаханнамга,
Жаннат йўлига говдир.

Халол-харом нелигини
Киладурман кўп такрор,
Бул хусусда Хак Сўзида
Битилган кўп оят бор.

Бул оятлар маъносини
Хар дам олинг сиз ёдга,
Харом лукма, албат, зиён
Бергайдур бир авлодга.

Кеч бўлгайдур кечиримга
Кўзлар ёшга тўлганда,

Кимга керакки, кечирим
Кимсага кеч бўлганда...

Бул дам зино хусусинда
Айтарим бор озгина,
Каломда Хак амри бордир:
“Ва лаа такробуззина”.*

Бул мархамат маъноси бул:
“Зинога якинлашманг”,
Амал килмас кимсаларнинг
Охир, албат, холи танг.

*- “Ал-исро” сураси, 32-оят.

Бул йўлда ким юрар бўлса,
Окибат холи войдур,
Бул дунёда хор ва Ул Кун
Аларга дўзах жойдур.

Ким бул бобда битилганга
Доир билса ўзини,
Йироклашиб фахш ишлардан,
Айтсун тавба сўзини.

Ким эътибор килмай асло
Парво килмас бул бобга,
Охиратда учрагайдур
Энг аламли азобга.

Билингким бул битигим чин
Номусли учун комус,
Зинокор хар кимса борки
Аталгайдур беномус.

Хар мўминга манъ килинган
Бундай йўлга кирмоклик,
Бул сабабки буюрилган
Авратни яширмоклик.

Адашманг хак йўлдан, хушёр
Бўлинг турли окимдан,
Чалкашиб хеч четга чикманг

“Сиротал мустакийм”дан.

Ер юзида мазхаб кўпдир,
Хам бордир турли динлар,
Факат тўғри йўл устида
Юрганлар бу – мўминлар.

Хонумони хароб бўлар
Ким бу йўлдан айрилса,
Айрилиш не, хатто бир оз
Ортига сал кайрилса...

Кизимга кайдларим...

Оппок кизим, жон кизгинам,
Бўйларингдан ўргилай,
Кетар чоғинг кел, бу азиз
Бошгинангдан бир силай.

Кел, кизгинам яна бир бор
Ўпайин пешонангдан,
Рози бўлгин, мен отангдан
Рози бўлгин онангдан.

Не иложким кузатаман,
Бугун узок йўлларга,
Не иложким узатаман
Бегона бир кўлларга.

Улар бегонамас, энди
Бизлар гўё бегона,
Энди ўзга отанг бордир,
Онангдир ўзга она.

Бул дам гўё дилгинамнинг
Уйин бузиб кетарлар,
Кизимнимас, гўё бул дам
Танам узиб кетарлар.

Сен йиглама, жон кизгинам,
Гар йигласам, мен ночор,
Бўлди кизим, кўп йиглама,
Бора колгин, яхши бор.

Борар жойингда бахт топгин
Кўзимнинг нури, мохим,
Ўзи кўллаб ҳам асрасин
Хар кадамда Илохим.

Хамиша ҳам тут покиза
Калбингни, руху танни,
Бизларни кам эсласанг-да,
Унутма Яратганни.

Кўзга нурдай кўрингайдур
Болам, босган изларинг,
Билгин, сенга ибрат бўлсин
Расулуллох кизлари.

Борар жойингда бўл, кизим,
Бир сохиба, хур аёл,
Бардошли бўл барига ва
Кайтишни килма хаёл.

Нурга тўлсин хонадонинг,
Яни, борар ул жойинг,
Дуодамиз биз иккимиз,
Яни, мен ҳамда ойинг.

Демагилки, доно кизим
“Бердингиз мени кимга!?”
Бугун сени топширгум мен
Сени берган Роббимга.

Болам, азиз бошинг сира
Кўрмасин бало домин,
Сени бизга берган Аллох
Бахтинг ҳам берсин “Омийн!”...

Ёдимда... кўп кувонгандим
Сен дунёга келган кун,
Бул кун ҳам кувончдаман
Чехрам бўлсада махзун.

Бахтинг тилаб эрдим сени
Йўргакка ўрашганда,
Кувонгандим дояларинг
Суюнчи сўрашганда.

Ха, ёдимда канча табрик

Сўзга кулок осганим,
Хам илк бора жажжи жуссанг
Бул багримга босганим.

Ха, барчаси худди бугун
Бўлгандаин, ёдимда,
Бул дам эса бари тушдай
Ўтар бу хаётимда...

Йўлдошдурсан энди аввал
Кўрмаган бир кишингга,
Ул хам энди ўрток эрур
Келажак турмушингга.

Болам, энди кўйилгайдур
Бир ёстикка икки бош.
Ахил бўлинг, бир-бирингиз
Учун бўлинг кўмакдош.

Хар номаъкул давраларда
Кўринмасин корангиз,
Шунда бешак бузилмасдур
Оилада орангиз.

Кўнгил кўйма мол-дунёга,
Жилов солгин нафсингга,
Айла улуг мухаббат сен
Хак берган улуг динга.

Хар дам борингга шукр кил,
Сабр килгил озингга,
Бееътибор бўлмагил ҳеч
Болам хар намозингга.

Гар имконинг бўлса кизим,
Соғлигинг бўлса танда,
Аллох бизга фарз айлаган
Рўзани килма канда.

Насиб этса Хаж сафар кил,
Етиш оби зам-замга,
Болангни хам дуо килай
Мен ўтказиб тиззамга.

Ул уйингда хавотирли
Бўлмасин сира холинг,

Хурмат топсинким хамиша
Сендан жуфти халолинг.

Шукр килгил, бул замонда
Банда бахтсизлик билмас,
Кай замонлар каби кизлар
Тириклайн кўмилмас.

Ха, динимиз улуглигин
Битадурман бу хатга,
Ислом бархам берди бундай
Жохилона одатга.

Жохилият замонида
Бўлган юз ўгиришлар,
Киз тугилса хавотирда,
Кўркувда ўтиришлар.

Кадимда кўп аёл куни
Кўп аянчли ўтарди,
Ислом аёл иззатини
Кўкларга кўп кўтарди.

Ислом сабаб аёл зотин
Фориг бўлди кўп дарди,
Аёлни кўп жабр-зулм,
Кийноклардан куткарди.

Эътибор кил хар мўминнинг
Бир харакат –саъйига,
Никох пайти мўмин карар
Киз боланинг раъйига.

Хар муслима аёл хакли
Эрур бўлса фахрда,
Чунки унинг эрки бордур
Эри берган махрда.

Хар аёлни хурматлагай
Шариатнинг хар хати,
Шариатда химояда
Хар аёлнинг иффати.

Муслмонлар оламида
Харобмас аёл холи,
Бу оламда хар бир аёл

Ору номус тимсоли.

Аёл кадри хусусинда
Бир хадисга караб бок,
Она хурмати отадан
Уч хиссага ортикрок.

Бир хадисда айтилуру, ким
Уч киз бокиб ўстирар,
Сохиби сўз хабарича
Ул ким жаннатга кирар.

Яна бир сўз, хадис отлиг
Ул улуг рисоладан:
“Фарзандларга хадя бериш
Бошланур киз боладан”.

Аллох бежиз буюрмаган
Аёл рўмол ўрашин,
Рўмол тўсар муслимани
Балодан ичу ташин.

У саклагай ёмонларнинг
Ёмон карашларидан,
Аёл шаънига бўлмагур
Гаплар калашларидан.

Чин мўмин хеч гард юктирмас
Калбига, либосига,
Сабаб бу дин бино бўлмиш
Тозалик асосига.

Иймон учун тоза тана,
Тоза калблар ватандур,
Хабибуллох хадиси бор:
“Тозалик иймондандур”.

Демак, софлик хусусинда
Сўзларимда бўлмас лоф,
Хамиша бўл пок ва тоза
Хар жихатдан бўлгил соф.

Эсли аёл эрта-ю, кеч
Эрнинг измида юрган,
Эрга итоат ишини
Аллох Ўзи буюрган.

Агар эрга буй эгмасанг
Амалинг бир чакадур,
Хадис борким, эрга хизмат –
Бул хам бир садакадур.

Сўз кайтарма сира хам сен
Сохибингнинг сўзига,
Доим бошингни хам тутгил,
Тик карама кўзига.

Бил, тил ботиний тигиндан
Банда дили тилингай,
Бил, банда бало домига
Кўпрок тилдан илингай.

Маили ема ёгли палов,
Егин оддий катлама,
Сохибингдан бесўрок сен
Хеч остона хатлама.

Аллох мархаматига ул
Аёлким якин турур,
Берухсат хеч босмай кадам,
Ул ким уйда ўлтурур.*

Кай аёлки беехтиёж
Кўча бозор айланар,
Шул захоти таъкиб учун
Жину шайтон шайланар.

Уйда ўлтур ва ўйлагил
Оиланг тавобини,
Уйдаги хар аёл олур
Мужохид савобини.*

Бул дунёнинг бахтин бизга
Хак Ўзи килмиш ато,
Лек дунёга магрур бўлма
У – ўткинчи бир мато.

Бул матонинг хайрлиси
Ибодатли аёлдир.*
Иймонли ва хуш ахлокли
Яниким, сўзи болдир.

Хаёси йўк хотинларга

Бало хар томондандур,
Хаёли бўл сен хамиша
Хаё – бу иймондандур.*

Бул битарим бари сенинг
Фойданг учун бир хатдур,
Хотинлар-чун бир хадис бор
Яни, аёл – авратдур.*

Яна билки, хотинларда
Эрнинг хаки кўпроқдур,
Хакин олган эр эр эрур
Йўкса каро тупроқдур.

Эринг хабар олгувчидир
Уй-рўзгорнинг холидан,
Хеч вақт бировга берухсат
Берма унинг молидан.

Кизим, эринг сирларини
Хеч кимсага билдирма,
Тинч оиланг шарафини
Оёк ости килдирма.

Кўча-кўйдан эр мабодо
Келтирса камрок ул-бул,
Араз килма арзимас деб,
Хуш холда айла кабул.

Номаъкул сўз дема эрга,
Нохак сўзинг соз дема,
Уйга неки топиб келса,
Шукр килгил, оз дема.

Гар бир камлик бўлса уйда,
Жанжал бошлама сира,
Ўз дилингни хамда ёринг
Дилини килма хира.

Гап кайтарма эрингга хеч,
Колсин ёмон хис ёнга,
Эсингда тут эрга карши
Киришмагил исёнга.

Арзимас бир сабабни деб
Араз килмагил салга,

Ул арзимас сабаб-сабаб
Бўлмасин бир жанжалга.

Арзимас бир нарсани деб
Кўзлар тўлмасин намга,
Бесабрлик, ношукрлик
Йўл очур жаханнамга.

Ййламагил ажрашишни
Арзимас бир нарсага,
Жиддий сабаб бўлмаса гар,
Арш келадур ларзага.*

Аёл зотин ёмон тили
Хам ноўрин жахлидан,
Кўпрок кисми аёл бўлур,
Эмиш дўзах ахлидан.

Яна хадис, гўё келур
Расулulloх овози:
“Ул хотинки жаннатий гар
Эр бўлса ундан рози”.

Эрнинг хотин устидаги
Хакки гўё расулнинг,
Уммат устиндаги хакки
Кабидур (Бу сўз улнинг).

Сўзла хар дам паст овозда
Чикма асло авжингга,
Хар дам хурмат ила кара
Жуфти халол – завжингга.

Хар айтилар гап-сўзингни
Топгил ўз маврудини,
Аксин килиб, кўтарма эр
Фигонини, дудини.

Унутмагил хар доимо
Хар дакика, хар соат,
Шукрда бўл, сабрда бўл,
Борингга кил каноат.

Сабр айламок ва каноат
Эмас ахир кийин иш,
Каноат – бу кўп номаъкул

Истаклардан тийилиш.

Эрнинг айрим сўзлари гар
Огир ботсада бир оз
Сабрли бўл, бирдан сакраб
Билдирмагил эътироз.

Хамфикр бўл эринг билан
Топишгил умумий тил,
Диккат ила тингла уни
Якдил бўлишга интил.

Номаъкул сўз кайтармайин
Агар огзинг ёпарсан,
Бешак, борни Билгувчининг
Розилигин топарсан.

Билки, феълинг туфайли эр
Бахтингдур ё гамингдур,
Эринг сенинг жаннатингдур
Ёки жаханнамнингдур.*

Эрнинг дилин ранжитмагил,
Ботмагил жахолатга,
Эринг кўзи тушмасин ҳеч
Ножўя бир холатга.

Уй ишига меҳрингни бер,
Ишинг бўлмасин чала,
Хар нарсангни тоза тутгил,
Ҳеч кир кўйма, тозала.

Исрофдан коч, бил нелигин
Кам харажат, тежашлик,
Сўнг баракот нелигин кўр,
Билмассан асло гашлик.

Тоза калбли инсонлардан
Ол хамиша андоза,
Калбинг, рухинг, бор бутингни
Тутгил хамиша тоза.

Билгил хар иш маврудин, хар
Ишни қачон қилишни,
Хар юмушни ўрнида қил,
Ўрнида қил хар ишни.

Хушёр бўлгил, кўча-кўйдан
Эринг хафа келганда,
Хунук холат бўлур агар
Хуш холат кўрса санда.

Эринг дилин ранжитгулик
Бирон иш килма сира,
Ножўя бир амалинган
Дили бўлмасин хира.

Харакат кил эр хаккини
Хам ўз хаккинг танишга,
Бул наф берар ўз ёринга
Чин дилдан боғланишга.

Байтларимда битилар хар
Сўзимдан шул хулоса:
Хар доимо орангизда
Бўлсин гўзал муроса.

Билгил яна не битилмиш
Хадис битилган хатда,
Бор гунохлар тўкилгайдур
Изхори мухаббатда.*

Хар кадамда Хак асрасин
Сизларни турли гамдан,
Коч, хар турли тажовуздан,
Коч, турли номахрамдан.

Сен алардан узок бўлгил,
Ёндошмасин ҳеч ётлар,
Аллох ато килсин сизга
Кўп солих зурриётлар.

Оиланинг бахти бешик,
Билдирай бу сирини,
Бахти бутун гар эр-аёл
Севишса бир-бирини.

(* * * - Барчаси хадисга асосан)

Супур-сидир хар кун жойинг,

Уйинг бўлсин саришта,
Саришта хар хонадонга
Хар дам тўлар фаришта.

Тангримизнинг раҳмат нури
Тўлсин уйинг хонангга,
Хар доимо хурматда бўл
Кайнотанг, кайнонангга.

Бул дам сенинг фойданг учун
Бул сўзларим айтарман,
Ота-онанг хурмат кил ва
Аларга сўз кайтарма.

Аларнинг хар иккисига
Хурматда бўлгин хар пайт,
Ширин килгил муомаланг,
Ширин сўзлар топиб айт.

Дуо олгин амал айлаб
Айтганларим барига,
Хамда ўзинг дуода бўл
Аларнинг хакларига.

Бул кун борар жойинг сенинг
Бул кундан иссик ининг,
Инда инок бўлгил кизим,
Бўлса агар овсининг.

Кичик бўлса синглим дегин,
Катта бўлса опангдур,
Овсин билан олишганлар
Холи хамиша тангдур.

Инок бўлгин бари бирла
Хатто ёш ўгил киз-ла,
Барига айт ширин сўзинг,
Барини кизим, сизла!

Хазил бўлгил хар хазилга,
Айланмасин у чинга,
Хай бер хунук хар хазилга,
Яхшиси, ют ичингга.

Меъёрда тут сен хамиша
Зеб-зийнат, пардозингни,

Баъзан бехос кулганинга
Кўтарма овозингни.

Бегинг хар дам халол килиб
Едирсин хар нонингни,
Хурмат айла хар халолга,
Пок сакла иймонингни.

Асло ружу кўйма хобга,
Ортикча уйку зарар,
Кўп ётишдан комат хамда
Табиатинг ўзгарар.

Кўпрок тингла соз суҳбатни,
Сўрашса камрок сўзла,
Гийбат гапдан узок бўлгил,
Доно суҳбатни кўзла.

Омон бўлсин хар кадамда
Хамиша, болам, бошинг,
Хамда бирга омон бўлсин
Кизим, умр йўлдошинг.

Хаёл килма хиёнатни
Махрамингинг махрига,
Кўрккин, кизим учрашингдан
Каххоримиз кахрига.

Ойинг берган бўлса бор кўп
Нозик насихатларни,
Ўзинг хам кўп ўкиб билдинг
Кўп хулоса хатларни.

Албат онанг ўргатгандур
Бошка бир адабларни,
Айтгандур киз-жувонларга
Хос ўзга бир гапларни.

Амал килсанг бул барига,
Бошингга бир бахт кўнгай,
Онанг айтганларин айтиш
Эмасдир менга ўнгай.

Ўғлимга ўғитларим

Ўғлим, энди сенга айтар
Гапларимга кулок тут:
Ортикча вактичоглик
Ўйинни энди унут!

Энди ёнингда ёринг бор,
Ном олдинг сен “Эр” деган,
Эр дегани доим, болам,
Оила гамин еган.

Энди сенинг бошингдадур
Уйда сохиблик тожи,
Демак, зиммангда турмушнинг
Хар турли эхтиёжи.

Гўзал бўлсин феъл-атворинг,
Хар ишда хар одатинг,
Хамда гўзал бўлсин мудом
Хакка хар ибодатинг.

Гар бошингга киймок бўлсанг
Таквоинг туфайли тож,
Хар дам Хаккнинг розилигин
Топмокликка топ илож.

Хушёр бўлки, олмасин хеч
Хиёнат ўз домига,
Ўйландинг сўз бериб, ўғлим,
Ахир, Аллох номига.

Шаръий никох хусусинда
Раббдан олмишсан ризо,
Ризоликка рад иш килсанг
Ўйингда тинмас низо.

“Килма” деган ишни килма,
У “Кил” деган ишни кил.
“Килма” деган ишни килсанг
Сўнг сўнгсиз ташвишни кил.

Ким ул ваъда ахдин бузиб
Сочса агар захрини,
Ул ким бешак кўзгатадур
Яратганнинг кахрини.

Бир хадис дей, буни англаб

Ёрин суяр бир ёр бўл,
Икки жаг ва икки оёк
Аросига хушёр бўл.

Хар эр учун хотин эрур
Аллохнинг омонати,
Огир гунох эрур, билки,
Омонат хиёнат.

Хотин хаккининг хакинда
Кўпдир хадис, ривоят,
Бари билдирурки хотин
Хаккига эт риоят.

Улдурким бир бахтли инсон,
Бахтли эр деган улдир,
Агарким ўз аёлига
Чин дилдан ул масъулдир.

Аёл учун арзир айтсак
Дилда барча боримиз,
Чунки аёл бизга она,
Опа-сингил, ёримиз...

Энди айтар гапларимни
Ул дамда килма канда,
Яни, ўглим сенга Аллох
Фарзанд ато килганда.

Гар баркамол бўлсин болам
Десанг, билгинки, болам,
Бажар барин не буюрмиш
Бизга сарвари олам.

Сирли кўп сўз бор Каломда,
Бордур исломий фарзда,
Бир сир – фарзандга тарбия
Бергил гўзал бир тарзда.

Ганимат бил тарбияга
Хар соат, дакикани,
Еттинчи кун унутмагил
Суннат иш акикани.

Акика деб ном берилган
Бул анжуман, бу холат –

Демишларким, бола соглом
Ўсишига кафолат.

Курбонликка имкон топсанг,
Албатта, бажар буни,
Гўзал самара бергайдур
Бул амалнинг якуни.

Расулулох хам курбонлик
Килмиш набираларга,
Аждодлар хам килмиш, демак,
Эргашгаймиз аларга.

Яна бир сири:боланинг
Хаётин бош кисмини,
Гўзал, исломий маъноли
Кўйгин боланг исмини.

Яна бир энг мухим ишни
Лозим эрур килмоклик,
Аллох ўгил фарзанд берса,
Лозим суннат килмоклик.

Хамда тўгри танит унга
Шариатнинг йўлини,
Манъ килинган хар нарсадан
Торта олсин кўлини.

Дона-дона килиб сўзла
Айтар гапинг хар бирин,
Муомаланг дагал килма,
Сўзларинг бўлсин ширин.

Хар номаъкул нарсаларга
Кадамасин кўзларни,
Хушёр бўлгил, айтмасин ул
Хакоратли сўзларни.

Боланг кўллари кўксида
Берсин хар саломини,
Ўргат, ўкиб ул ёд олсин
Аллохнинг Каломини.

Илож кил ва ислом илмин
Кўп ўргат, ўргатма кам,
Лек унутма, ўргат албат

Дунёнинг илмини хам.

Хар хил хунук сўзлар дема
Болангга хам дедирма,
Хунук сўз айтишига сабаб
Харом лукма едирма.

Ўйламаки харом лукма
Халол бўлиб цингадур,
Гар едирсанг ул лукмани,
Жавоби бўйнинггадур.

Халол есанг тинч, хотиржам,
Сокин ўтар хар онинг.
Халол топиб, халол ейиш
Таянчидур таквонинг.

Чин эр хар дам пок ният-ла
Халол топиб ишлайдур,
Топганини оилага
Барини багишлайдур.

Ўз вақтида хис кил, ўглим
Хонадоннинг камини,
Чунки сенинг зиммангдадур
Оилангнинг таъмини.

Тежамкорлик хисси сенга
Хар дамда бўлсин хамкор,
Бул ҳақда хам ҳадис бордур:
“Факир бўлмас тежамкор”.

Эҳтиёт бўл, хасисликка
Ўтмасин тежамкорлик,
Хасислик бу – ихтиёрий
Холдан кетар бир хорлик.

Хаддан ортик тежамагил
Ўйлаб уйинг эртасин,
Бугунинг бил, киркма асло
Оиланг насибасин.

Хакк киз фарзанд ато этса,
Араз килмагил зинхор,
Ёринг дилин ранжитмагил,
Каттик сўзлаб килма хор.

Киз бор уйда баракот бор
Яни, ул уй ризки мўл,
Шукр килгил сен Шакурга
Кўл очиб дуода бўл.

Киз фарзандга ёмон назар
Хаёлинг килмасин банд,
Бизнинг шарафли исломда
Аёл мавкеи баланд.

Оилангга офиятни
Хамиша килгил ният,
Аёлингга сен туфайли
Етмасин ҳеч азият.

Аёлингга кўп ҳолатда
Сўзинг айтгил эркалаб,
Бу – оилинг тинчи эрур,
Бул эрур сендан талаб.

Аёлингга ҳеч бир дамда
Зулм этма бениҳоя,
Хулқини ҳуш айламоққа
Панд-насихат кифоя.

Хаётдаги ҳар ҳолатни
Синчиклаб ҳушёр кузат,
Сўнг таккослаб ок-корани
Феълу атворинг тузат.

Сен мукамал билсанг агар
Недур исломий ахлоқ,
Фаркин англаб биладурсен
Недур кора, недур ок.

Тўгри йўлда тўгри юргил,
Хушёр бок ўнг-сўлингга,
Ногоҳ тўсик, чоҳ тушмасин
Бахт-саодат йўлингга...

Таассуфли тўйлар тавсифи

Ўзбек уйи серфарзанддур
Шул боисдан тўйи кўп,

Элга тўй, ош берсам деган
Яхши ният, ўйи кўп.

Хўп ажойиб тўйлар бўлди
Бизнинг якин ўтмишда,
Кўп ажойиб тўйлар бўлди
Тўхтамай ёзу кишда.

Бундай ажаб тўйлар ул дам
Ёт элдан келиб колди,
Ул шайтоний базм, кизик,
“Кизил тўй” ном олди.

Кизил тўйда эркак-аёл
Май шаробга тўйдилар,
Окибат-чи, хўп кўпайди
Сўнгра “кўйди-кўйди”лар.

Ёш-у, кари ботиб бари
Кўп гунохи азимга,
Бундай тўйлар айланарди
Зўр шайтоний базмга.

Биронта бир анжуман ё
Тўй ароксиз ўтмасди,
Ул тўй асло тўй эмасди
Бўлмаса агар масти.

Хар тўй ўтар эди “ур-сур”,
“Кий-чув”у “хай-хай” билан.
Хар бир тўйда мехмон кадри
Ўлчанарди май билан.

Бўлди кизик кўп шайтоний
Хар холатга киришлар,
Баъзан келин ва куёвни
Ўртада ўптиришлар.

У тўйларда то тонггача
Барча шовкин кўтарди,
Канча оёк-кўллар синди,
Канча кўзлар кўкарди.

Бўлди урфимиз топташлар,
Кадриятдан кочишлар,

Пакиллатиб шароб отиб,
Ўртада пул сочишлар.

Келин-куёвни ўртага
Томошага кўйдилар,
Кадахларнинг тўлалигин
Улкан бахтга йўйдилар.

Мезбон деган мажбур турар
Хар меҳмон кайфин чоғлаб,
Куёв кайфда ўйнаб колар
Киз белидан кучоклаб.

Ёш-у, кари, эркак-аёл
Тенг ўйнашди жилпанглаб,
Алар аянчли ахволин
Бўлмасди сира англаб.

Эркак-аёл бари бирдай
Маст-аласт ўйнашарди,
Ул худосиз жамиятда
Кўплар шундай яшарди.

Афсус... афсус, бизнинг авлод
Шохид бўлди шуларга,
Йиглаш эсга келмади ҳеч
Фурсат топди куларга.

Биз билмадик кадрият не,
Билмадик не ҳамият,
Шуни талаб килар эрди
Биз кўз очган жамият.

Йўқотдик биз аждодлардан
Колган йўлни, ҳақ изни,
Билмадик биз Яратганни
Ҳамда кимлигимизни.

Биз Алохни танимадик,
Ул дам адашдик бизлар,
Бошимизда камчи тутиб
Турганди худосизлар.

Бизлар кирган хато йўлга
Энди ёшлар кирмасин,
Аллох инъом килди ҳақ йўл,

Энди адаштирмасин...

Бул дам рўёбга чикмокда
Халкимизнинг ўйлари,
Бул дам шаръий, файзли ўтар
Элимиз кўп тўйлари.

Файзли ўтар хар бир жойда,
Узог-у, якинда хам,
Сабаб эрк бор бу элимда,
Эркимиз бор динда хам.

Бари бархам топди, тамом
Деёлмам бул замонда,
Бул дамда хам ажаб тўйлар
Учрайдур онда-сонда.

Баъзиларга бул хусусда
Панд-насихат кетмасдур,
Келин-куёв сарпосига
Бир дўкон мол етмасдур.

Бир холатнинг баёнига
Ожиздир тил ва лаблар,
Куёв бола учун тортик
Килинса “Мерс” маркаблар.

Шунча сарпо, совгага хам
Тўймас баъзи кучоклар,
Бул кетишда якин кунда
Тортик бўлар учоклар.

Бу не холат, катор-катор
Маркаблар юришлар,
Ўздан кетиб, хар кадамда
Кийкириш, кутуришлар?!

Келин кийган кўйлакда йўк
Белдан усти хамда энг,
Уни бир бор кийиш эса
Бир сигир пулига тенг.

Ўша дагал матосидан
Афзал оддий бўзимиз,
Шуни кийим деб кийдирган
Айбдормиз ўзимиз.

Нахот етмас иродамиз
Ўзимизни тийишга,
Бой-ку, миллий либосимиз
Устимизга кийишга.

Олам кўзин кувонтирар
Атлас, адрас, бекасам,
Айтинг кайси газмолдан кам,
Кайси бир матодан кам.

Олам кўзин кувонтирар
Ипагу зарларимиз,
Келинларга гар кийдирсак
Кам бўлмасмиз баримиз.

Сухбатдошдан сўровим

Азизларим амал килинг
Битганларим борига,
Шул ўринда бир сўз айтай
Дўстим Кобил корига.

Аллох яна зиёд килсин
Дўстимнинг мартабасин,
Хамда халкка манзур килсин
Хак сўз айтар нафасин.

Дўстим бериб бул мавзуни
Бел богладим бул ишга,
Аллох кўллаб оз муддатда
Улгурдим битиришга.

Бахра топиб бул битикдан
Дугога кўл очганда
Дўстим Кобил корини хам
Дуго килинг сиз анда.

Хижрий: 1430-йил, жумодус-соний 10-куни;
Милодий: 2009-йил, июн ойининг 4-куни.